

ЭЪТИРОФ

Ўз асарлари билан инсонлар қалбига эзгулик уруғини сочаётган, халқлар ўртасидаги дўстлик, меҳр-оқибатнинг устивор бўлишига улкан ҳисса қўшаётган машҳур қирғиз адаби Чингиз Айтматов ватанимизнинг юксак нишони — «Дўстлик» ордени билан тақдирланди. Мукофотни адабга Ўзбекистон Президенти Ислоҳ Каримов топширди.

ЯНА БИР КОРТ

Кейинги йилларда республикамизда теннисни ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда, жумладан, шу кунларда Гулистон шаҳрида катта теннис кортининг қурилиши қизгин давом этмоқда. Қурилишни йил охиригача битириш режалаштирилган.

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ УЧУН

Навоий тоғ-металлургия комбинатида ишчи-хизматчиларни ижтимоий ҳимоялашга катта эътибор берилмоқда. Утган ойнинг ўзида комбинат уй-жой коммунал хўжалиги бошқармаси томонидан шу мақсадлар учун 13 минг сўм маблағ сарфланди.

ШОИР НОМИДА

Андижоннинг энг сулим, дам олиш боғларидан бирига улуг шоир Чўлпон номи берилди. У ерга шоирнинг бюсти ўрнатилди. Кишиларнинг мамнунликлари аниқ-ки, бу ер андижонликларнинг манзур ва машҳур зиёратгоҳларидан бирига айланажак.

ЯНГИ ИҚТИСОДИЙ ГАЗЕТА

Андижонда яна бир матбуот нашри дунё юзини курди. «Ҳиссасдор» деб аталган бу газетани давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Давлат Қўмитасининг вилоят бошқармаси муассис бўлиб, ҳафтада бир марта чиқарилади. Журналистлар ўз газеталарини вилоят иқтисодининг тиниқ кузгуси қилиш ниятида иш бошлади.

Матбуот ва ўз мухбирларимиз хабарлари асосида тайёрланди.



Мени ҳам мактабга олиб бординг!

Ажабо!

ЖУНГЛИГА ЯШИРИНГАН ШАҲАР

Ангкор (оддий шаҳар) ҳақида яқин юз йилгача ҳеч қандай маълумот бўлмади, уни ном-нишонсиз йуқолган деб ҳисоблашарди. Минг йилдан ортиқ тарихга эга бўлган бу ғаройиб шаҳар Кампучияда жойлашган. Қизиғи шундаки, катта ибодатхонаси бўлган бу шаҳарча княз Жаяварман номи билан боғлиқ бўлиб, ўрмон бағрида яширинган бу масканни топиш ам-

римахол саналган. Яъни қурилиш тарихига қўра шаҳар қалин ўрмонзор ичида моҳирона жойлаштирилган. Жунгли стратегик истеҳком вазифасини ўтаб, шаҳарни душманлардан махфий сақлаган.

Замондошимиз, Француз натуралисти Анри Муо Кампучияга саёҳати давомида «йуқолган шаҳар» ҳақидаги афсонани эшитиб қолади. Ва

бу ғаройиб шаҳарни излаб топишга қизиқади. Натижада, ўт-ўланлар, қалин ўрмонлар чанғалида қолган шаҳарни Ангкорни топишга муваффақ бўлади.

Яқин-яқингача фақат афсонага айланиб келган бу ноёб шаҳарга энди сайёҳлар бемалол бориши мумкин.

А. САФАРОВ

●Хунарли хор бўлмас

ҚИШЛОҚЛАР ҚУРГАН УСТА

Сайфулла бобони нафақат Жийдалида, балки қўшни қишлоқларда ҳам «уста», «уста бобо» деб ҳурмат қилишади, давраларнинг турига ўтқазиб эъзозлашади. Бу бежиз эмас. Яқин атрофдаги қишлоқларда бобонинг олдида тушадиган уйсоз уста йўқ. Ҳозир ёшлари етмиш бешини қоралаб қолган бўлсада, Жийдалида қуриладиган ҳар бир иморатда ишлайдиган усталарга-шогирдларига маслаҳатлари, керак уринларда амалий ишлари билан ердан берадилар.

Бир пиёла чой устида бобо билан ўтган-кетгандан гурунглашдик. У кишининг хотиралар китобини арақладик. Ана шу сўхатнинг қаймоғидан сиз азиз газетхонларга ҳам илиндик...

— Асли устачилик бизга ота касб эмас. Сабаби тирикчилик, 12-13 ёшларимда қишлоғимиздаги Азизқул устага шогирд тушдим. У киши, худо раҳмат қилсин, қўли гул уста эдилар. Пахса уриш дейсизми, эшик-даразаларга ром ясаш борми, сувоқчиликми, ёғочга нақш уйиш-хуллас, бор билганларини эринмай ургатганлар.

Энди, у пайтда давлат томонидан уйлар солинмас эди. Шунинг учун қишлоққа гузарми, мактабми, ёки бирор ҳамқишлоғимизга уй солишми, катта ҳашарга айланиб кетарди. Қишлоқ оқсоқоли бир айланиб «эртага ҳашарга!» деб эълон қилиб чиқса бўлди, катта-ю кичик оқиб келарди. Хеч ким бир кишини бошпанали қилишдек савобли ишдан четда қолшини истамасди. Биров лой қорган, бошқаси шу лойини челақлаб, замбида ташиган, яна бири болорлиқ ёғочнинг пуслотини шилиган. Ёш болаларни айтмайсизми! Улар учун ҳашар мисоли бир байрам эди. Қўлидан иш келмайдиганлари тупроқ, ҳаммомпиш уйнаган, каттароқлари эса ҳашарчиларга яхна чой, сув келтириб беришарди.

Сен эслайсанми-йўқми, мактабнинг эски биноси бор эди...

— Ҳа, биз ҳам уч йил уша ерда ўқиганмиз,— дейман бобонинг сузини бўлиб.— Кейин уни бузиб ўрнига янги мактаб қуришди.

— Ҳа, балли! Уша бузилиб кетган бинони уруш бошланмасидан бир йил олдин Азизқул уста бошчилигида ҳашар йўли билан қурганмиз. Узиям эллик йилга хизмат қилди, бў қишлоқ болаларига. Аслида, устанинг маҳоратини, зурлигини қурган иморати неча йилларгача бузилмай сақланиб туришидан ҳам билса бўлади. Уша мактаб ҳам ҳали яна куп йиллар хизмат қилиши мумкин эди. Фақат, унинг биласан болам, замонлар ўзгарди, одамлар ҳам купайди. У мактаб торлиқ қилиб қолди. Қолаверса, янги, чиройли, замонавий мактаб бўлганига нима етсин!

Бундан қирқ-эллик йиллар бурун шифонер, буфет деган нарсалар урф эмас эди. Шунинг учун уй солганда девордан идиш-товоқ, кийим-кечак қўйиш учун тоқчалар чиқариларди. Кейинроқ бундай усулда уй солмай, тўғрироғи одамларнинг ўзлари солдирмай қўйишди. Бояги шифонер, буфетлар анча қиммат бўлиб кетгандан бери яна ушундай тоқчали уйлар қурила бошлади. Устанинг қўли гул бўлса, тоқчани шундай қиладик, қурганлар шунақа уйни орзу қилиб қолишади.

Шогирдларим ҳам анчагина. Нафақат Жийдалидан, қўшни қишлоқлардан ҳам келиб, менга шогирд тушганлар кўп. Уларнинг ҳаммаси «ҳозир катта» уста бўлиб кетишган. Худога шукр, икки ўғлим бор. Улар аслида бошқа касбда ишлашсада, лекин устачиликнинг ҳам ҳадисини олишган. Бири ёғочга нақш уйиш, пол, карниз қоқишга, иккинчиси девор кутаришга уста. Невараларимнинг ичидан ҳам шу касбга қизиққанлари бор. Бу ёғини энди бир сулола деяверинг!

Устачилик қилиб уй қура бошлаганимга олти йилдан ошди. Нечта иморат солганимни ҳисоб-китоб қилибман дейсанми! Лекин узимизнинг Жийдалида

менинг пой тешам тегмаган иморат йўқ десам ишонавер. Ишимиз элнинг кўнглига ёқани шудирда: узоқ-яқин жойлардан ҳам илтимос билан келиб туришади. Хуллас, қаерга меҳнатим сингган бўлса, «уста», «уста бобо» деб ҳурматимни жойига қўйишади. Одамлар орасида қанчалик ҳурмат-этибор, обрў топган бўлсам, бари мана шу касбимнинг, ҳалол меҳнатимнинг орқасидан.

Ҳар кимки инсоф-имонли, шукронали бўлса, Аллоҳ рузгорига барака беради. Айниқса, уйсоз устанинг пулга уч бўлишидан худо асрасин. Шу ўринда бир ривоят ёдимга келди. Мен уни ҳар доим шогирдларимга, фарзандларимга айтиб юраман.

Қадижда бир уйсоз уста яшаган экан. У жуда инсофсиз, бадфеъл бўлиб, келган одамнинг қўлига қараркан. Уй солиб беришини сўраб келганларга «фалон пул берасан», дер экан. Бир куни ана шу устанинг олдида қари кампир келиб:

— Кичкинагина уй солиб берсангиз. Чолим раҳматлик бўлиб кетган, биттагина уғлим билан яшайман. Кузда шунинг бошини иккита қилиш ниятим бор эди,— дебди ва ийқан-терган пулини устага тутди. Уста пулга разм солибди-ю:

— Кам-ку, бунингиз, кампиршо!— дебди усмоқчилаб.— Устига яна шунча қўшасиз.

— Болам, биз бир камбағал бечорамиз. Останангизга илтимос билан бош уриб келдим. Илов, болаларингизнинг роҳатини қуринг, йўқ деманг, болам,— ялинибди кампир.

Уста эса қўпол гаплар билан унинг кўнглини ранжитди. Шу ердан ўтиб бораётган муътабар, авлиёнамо киши кампирнинг ҳолатини қуриб, устага насиҳат қилибди. Уста эса унга ҳам қўпол муомалада бўлибди, дағал гаплар айтибди. Шунда қаттиқ ранжиган муътабар зот:



«Илов, топган-тутганинг юқмасин. Йўнаётган ёғочингдан чиқаётган пайраҳани шамол қандай учуриб кетаётган бўлса, сенинг топаннинг ҳам шундай елга учсин!»— дебди-ю, йўлига равона бўлибди. Шу-шу бояги пулга уч, баднафс устанинг рузгоридан қўт-барака кутарилибди...

Бу энди бир ривоят. Лекин унинг замирида бир ҳақиқат бор: ҳақиқий инсофли уста асло нарҳ талашмайди, уй солдирётган кишининг оилавий ҳаволига, рузгорининг ҳолатига ҳам қарайди, бир ой ишлайдими, бир йилми, инсоф доирасида ҳисоб-китоб қиладди. Менга устозим раҳматлик Азизқул уста айтган бир гап бор, уни мен шогирдларимга қайта-қайта ўқтираман: «Иморат битган, уй эгаси хизмат ҳақингизни олдингизга қўйганда, уни олиб ўч бўлака ажратинг. Биринсини еган овқатингиз, нон-тузингиз учун, иккинчисини янги иморатга, болаларингизга ўл-бўл олрасиз, деб уй эгасига қайтариб беринг. Учунчи қисми эса хизмат ҳақингиз бўлади». Мабо-до, шогирдларимнинг бирортаси таъма-гирлик қилиб, нарҳ талашса, асло рози эмасман.

Сузумнинг охирида айтмоқчи бўлганим, шу касбнинг орқасидан бойиб кетаман, деб ҳаёл қилганлар устачиликнинг кучасига қирмай қўя қолсин. Ҳақиқий уста бойиб кетмайди, лекин бошқардан кам ҳам бўлмайди. Менимча, уста учун энг катта бойлик қурган иморатини қурган одамларнинг: «Отасига раҳмат! Қўли гул уста экан», деган олқиши бўлиши керак.

Даврон БЕК гурунглашди



●Сурхон томонларида

ШОИР БОШҚАРАЁТГАН ЖАМҒАРМА

Бойсунлиқлар шунчаки умргузаронлик қилишни эмас, балки ҳар бир кунни зийнатли, ораста ва бамаъни қилиб ўтказишни севадиган халқ. Шунинг учун бўлса керак бу ердаги ҳар бир қишлоқ, маҳалла узига хослиги билан, юриш-туришда, кийинишда, хаттоки уйин тушиш, қўшиқ айтишда ҳам бир-бирларидан ажралиб туради. «Маҳалла» ҳайрия жамғармасининг туман бўлинимаси элнинг ана шундай яхши жиҳатларини янада рағбатлантирмоқ ва такомиллаштирмоқ ниятида «Энг обод хонадон», «Энг гузал маҳалла» курик-танловини эълон қилган эди. Бунда тумандаги дерли барча маҳаллалар, қўлаб хонадонлар фаол қатнашмоқдалар.

Дарвоқе, жамғармага Темир Шукров деган шоир йигит раислик қиладди. Табиатан тини-тинчи-

майдиган бу йигит раҳбарлигида одамлар Бойсундан бориб турли вилоят, шаҳарларда ҳарбий хизмат бурчини ўтаётган йигитларни совға-саломлар билан бориб кўрадилар. Дийдорлашув, учрашувлар фақат совға, ширин саломлар билан чекланиб қолмайди, вакиллар ўзлари билан бирга ҳаваскорлар ансамблини ҳам олиб борадилар. Улар энди Андижон вилоятида хизмат қилаётган бойсунлик йигитларни ана шундай тайёргарлик билан бориб қуриб келишга шайланиб туришибди. Термиз шаҳрида хизмат қилаётган аскарлар ва зобитлар ҳам ҳар галги байрамда бойсунлиқларнинг ташрифини интиқлик билан кутадилар. Шоир бошчилигидаги вакиллар гуруҳи эса ҳар бир учрашувга фойза ва кут киритмоқда.

Маҳмуд АБУЛҒАЙЗ Сурхондەر вилояти

ХАЙРЛИ ИШ

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 4 йиллиги арафасида «Парус-Сибирторг Интернэшнл» ўзбек-америка қўшма корхонаси (бош директори Д. А. Питримов) ажойиб ҳайрия ишини амалга оширди.

Қўшма корхона республика Болалар жамғармасига «Ай-Би-Эм» ва «ЭПЛ» русумли 7 та замонавий компьютер ҳада қилди.

Шунингдек, қўшма корхона етим-есир болалар учун 1300 килограмм кийим-бош ҳам тарқатди.

Д. РАХИМБЕРДИЕВА

●Мулоҳаза

ҲИСОБЛИ ДҮСТ АЙРИЛМАС

Одатда ёнилги, электр энергия қимматлашгани сабабли нархлар ошади. Бунда биз биламики, уларнинг баҳоси таннарихга қараб белгиланади. Мазкур тадбир давлатнинг иқтисодий сиёсати билан боглиқ ва бунга бизнинг даъвомиз йўқ. Бироқ транспорт тизимида давлатга зарар келтираётган жиҳатлар, тартибсизлиқлар мавжуд. Масалан, автобусда ёки троллейбусда чипта текшируви йўқ, дейлик. Унда олдинги эшик очилади, одамлар патта пулини ташлаб-ташлаб кетишади. Бу жараён барчамизга одатий ҳол бўлиб кетган. Бироқ савол туғилади: тушган пулни ҳайдовчи қандай қилиб шохбекат кассасига топширади? Албатта, сотилган чипталар эвазига тўлайди. Сизу бизнинг тўлаган пулимиз қайёқа кетади? Биз эса кўнгилчанлик қиламиш, унияма бола-чақаси, қолаверса, машинасига кетадиган харажатлари бор, деймиш. Шохбекат раҳбарлари эса кўп ҳолларда «план бажарилмаяпти» деб фарёд солишади. Хоҳлаймизми, йўқми йўл пулини оширишга мажбур бўламиз. Фикримизни «бу давлат учун арзиманган пул» дея инкор қилишган шовилмаган. Келинг, соддагина ҳисоб-китоб қилиб кураамиз. Шаҳарда автобус уз йўналиши бўйича бир сменада 5 марта бориб келади, ҳар бориб келганда камида 20 киши чиптасиз пул тўлайди, дейлик. Смена давомиди 100

йўловчидан 300 сўм пул тушади. Шаҳар бўйича ҳар бир йўналишда 4 тадан автобус бор, дейлик (аслида кўп). Бу 1200 сўм бўлади. Шаҳардаги барча йўналишлар 100 та деб оламиз ва уни 1200 га кўпайтирамиш — 120 минг бўлади. Бу давлатдан бир кунда юлгинган пул. Уни, бориб бориқ кўпайтмаси 3 млн. 600 минг сўмга, бир йиллиги эса 43 миллион 800 минг сўмга тенгдир. Бу ҳазилакам пул эмас. Қолаверса, биз бунда автобус йўналишларининг энг кам микдорини олдиқ, ҳолос. Айрим автобус ёки троллейбусларда чиптани умуман қўрмайсиз ҳам. Иллат иллатни тугдиради. Ҳайдовчиларнинг бу ҳаракатига раҳбарият бепарво. «Нега?» деганда, «уларга ҳам бериб туришгандир-да» қабилдаги гўмон туғилади сиз-у бизда. Агар ҳайдовчи раҳбариятга ҳақиқатан ҳам пул бериб турса, унда ишши худо ургани шу бўлади. Олган раҳбарнинг тили қисқ. Бу иллат эса бора-бора катта ярага айланади.

Умуман, айтилган фикрлардан кейин Тошкент шаҳар транспортда аҳвол яхши эмас, деган хулоса чиқарилмаслиги керак. Пойтахтда бу борада анчагина ишлар амалга оширилмоқда. Истагимиз, йўловчи транспортларининг ишлаш тартиби ҳам «Метро»-миз тизимига ухшатишса, айтимиз муқаддас бўларди.

Н. НОМЗОВА
У. ҚИРҒИЗОВА

1995 йили қирғиз халқ оғзаки иходининг шох асари — «Манас» минг ёшга тўлади. Жаҳондаги энг нуфузли ташкилотлардан бири ЮНЕСКО бу қутлуг санани дунё миқёсида кенг нишонлаш ҳақида маҳсус қарор қабул қилган ва бу машхур достоннинг минг йиллиги республикада ҳам байрам қилинмоқда.

Яқинда Бишкекда эпоснинг минг йиллиги тантанали нишонланди. Унда нуфузли меҳмонлар қатори Президентимиз Ислам Каримов ҳам иштирок этдилар.

Олимларнинг айтишича, «Манас» ҳажман Гомернинг «Илиада» ва «Одессея» достонларидан йигирма марта, ҳинд халқ эпоси «Махабхарата»дан икки баравар катта. Шу боис халқ ичидан чиққан сўзга уста, қушиққа чечан таланти оқинлар «Манас»ни бир неча ҳафталаб, ойлаб айтишган. Тахминий ҳисобга кўра эпос беш юз минг сатрдир.

«Манас» эпоси қирғиз халқининг ўтган даврлардаги ҳаёти, иқтисоди, мафқураси, бошқа халқлар билан алоқаси, ер юзининг қайси минтақаларида яшагани ҳақида жуда кўп маълумотларни ўз ичига олганки, бу жиҳатдан асарни қирғиз халқининг ўтмишини ёритадиган маҳобатли ёдгорлик, унинг таржимаи ҳоли, ўзига хос қомуси дейиш мумкин.

«Манас»ни куйлаган оқинлар шунчаки оддий одамлар бўлишмаган. Манасчи деган номга сазовор бўлиб, бу достонни куйлашга киришишдан бурун улар муайян маънавий-руҳий «имтиҳон»дан ўтганлар. Шу боис халқда: «Кимки чин манасчи бўлса, унинг тушига Манас киради», деган нақл юради.

Достон дунё халқларининг кўп тилларига таржима қилинган. Аллома шоиримиз Миртемир дmqла «Ма-

нас»ни ўзбекчага қиймига етказиб таржима қилган. Бу жасорат талаб этадиган масъулиятли ишга шоир пухта тайёргарлик кўриб — достоннинг қирғиз тилидаги ўнлаб нусхаларини қийслаб ўрганиб, қирғиз манасшунослари билан қизгин мулоқоту мунозаралар қилиб, ҳатто Манас ботирнинг рамзий қабрини қайта-қайта зиёрат этиб... киришган. Ус-

Сочиблиб ўйин солганди.

Қора Хитой, Манжудан

Саксон бола борибди.

Дўқ уришиб қирқига,

Уртага олиб қолибди.

Саксон бола ичида

Бўз қалмоқнинг чўнг ўгли.

(Ўзи чўговул миқти)

Манас йулин олди-ку.

Саксон бола унгдади.

«Манас» эпосининг 1000 йиллигига

АҚЛ-ЗАКОВАТНИНГ НОЁБ ТИМСОЛИ

тоз Миртемир гузал таржимаси — «Манас»нинг биринчи китоби Тошкентда 1964 йили нашр этилган. Сиз куйида ана шу китобдан танлаб олинган бир парча билан танишасиз.

«МАНАСНИНГ БОЛА ЧОҒИ»

Кундан, кундан кун ўтиб,
Кун мазгили келибди.
Ойдан, ойдан ой ўтиб,
Ой мазгили келибди.
Шундай қилиб Манас ҳам
Етти ёшга тўлибди.

Лақаби ҳам «Ғирт тентак»,

Дундиққина ёш бола —
Шер эканин ким билди.
Саккизга ёши келганда,
Ёниб турган чўғ бўлди.

Кулли қирғиз ичида
Бундай тентак йўқ бўлди.
Ҳахри келиб, қўл солса,
Тенгдошлари чинқирай.
Қаттиқлигига чидамай,
Қўз ёшлари тирқирай.

Қирқ болани қирқ ўйдан,
Манас тўплаб олганди.
Олтойнинг кенг бағрига

«Қизиталоқ бурут» деб,
Буларни ураб қолди-ку.
«Тентираб келган бурут», —
деб,

Қирғизларнинг болларин
Чирқиратиб қурит,!» — деб,
Саксон бола шошилиб,
Қирқ болага осилиб,
Бир қанчаси қирқтадан
Тиззаси ерга букулди.
Саксон бола олдида
Келин бўлиб юкунди.

Манас турар қуй-қўйлаб.
Қуй-қўйласа бўлган йўқ,
Калтаклашдан тўйган йўқ.
«Қуй-қуй» деган Манасга
Зуравон боллар етгани
Етти чўқмор, тўрт мушти
Ботир бошига тегиб кетгани.
Етти чўқмор етганда
Қаторига қарамай,
Қирон саваш курсатди,
Қилча жонин аямай.
Теграсига қарамай,
Тепкилашни курсатди
Асли жонин аямай.



... Саксон бола чирқираб
Тип-тип бўлиб тирқираб,
Шошган боллар бунда кўп.
Жони қолмай гангираб
Қочган бола бунда кўп.
Тўхтаёлмай баъзиси
Ўмбалоқ ошиб йиқилиб,
Ботқоқда юзи бақадай,
Боши лойга тикилиб,
Ётган бола бунда кўп.

Қалмоқлар қочиб юрганда,
Манас бола ҳовлиқиб,
Қирғизнинг қирқ боласи
Манасга қарай, қўз тикиб,
Қалмоқнинг саксон боласин
Қолдирмай суриб қолибди.
Олиша кетган ким бўлса,
Манас қўлин юлиб олибди...

А. ОТАБОЙ тайёрлади.

ҚУШИҚ

Қушиқ қайтадан қайтиб келди. Узоқ йиллар қувғинда бўлган қушиқ дунёга саломга чиқди. Мухлислар унинг қўлини маҳкам қисиди.

— Қуринмай кетдингиз.
— Сизни соғиниб қолдик.
— Ҳақиқат бор экан-ку.
Ҳеч ким қушиқни қўйиб юборгиси келмасди.

Бир пайт қаттиқ бўрон турди. Қушиқни ураб турганлар юзида безовталиқ зоҳир бўлди.

— Кечирасиз, бир ёққа бормоқчи эдик.

— Болалар уйда ёлғиз эди, бир хабар олай.

Қушиқнинг бир ўзи қолди. Довул уни белгисиз томонларга олиб кетди. Энди у томонлардан бир садо келади. Мухлислар яна тўпланишиб узаро муҳокама қилишади.

— Жуда ўзимизнинг қушиққа ўхшаб кетар экан...

ИЗТИРОБ ЧИ-
РОҒИ

ган изтироб чироғига айланди. Яратганнинг ўзи уни шундай қилиб яратди.

ЗАМОНДОШ

Сен Навойига замондош эмассан. Унинг ғазаллари сенга замондош. Сен Амир Темурга ҳам замондош эмассан. Лекин унинг шон-шавкати сенга замондош. Кунгил орзулари олис-олисларга қанот боғлаб учиб кетгиси келади.

Келгуси асрлар қўйнида уйғонаётган авлод! Сенга замондош бўлмоқни истайман.

АЁЛ

Бу аёл ҳеч қарийдиганга ўхша-

нгдаш бўлганларнинг аксарияти умр поёнида туришибди.

У эса ҳамон ўша-ўша. Унинг юришларини қўриб сарвқомат дарахтлар уялиб кетади. Тунлар кучаларда юрганида, ой бўлутлар орасига яширинади. Марҳамати кенг дунё! Сен ҳаммага марҳаматли эмассан-да.

СОЯ

Аслида бу одам бир ҳафта бурун қазо қилганди. Одамлар уни бир ҳафтагача яхши фазилатларини айтишибди, эслаб юришди.

— Сичконлар ўтмайдиган тешиқдан ўтиб кетарди-я, раҳматли, — деб хотирлашди.

— Йигилишларда ҳамма ҳам айта олмайдиган гапларни айтарди-я.

Саккизинчи кун деганда ўлган одам ўз оёғи билан кириб келди. Ҳаммага баробар табасум ҳада этди. Ишхонадагилар ҳайрон бўлишди. Айримлар ҳушини йўқотди. Нариги томондан ҳам йўлини топиб келганлигига тан беришди.

Аммо у гапни бошқа ёққа бурди:

— Йўқ, йўқ, мен лаганбардор эмасман. У аллақачон ўлган. Шундай бўлгач, унинг ўрнини кимдир босиши керак-ку.

Утирганлар бир-бирига қараб олишди.

Турда савлат тўкиб утирган киши маъқул ишорасини қилди.

М. МАРДИЕВ



ҚАТРАЛАР

Ҳаёт инсондан ҳеч нарсани дариг тутмаган. Ёниб яшамоғи учун унинг юрагига аланга солди. Ҳаётни севмоқ учун муҳаббат ато этди. Ва яна қайғуни енгмоқ учун бардош берди. Лекин Бахтни улчаб берди. Уни қадрламоқ учун тунларнинг умрини узоқ қилди. Бахт эса олисда мангу порлаб туради-

майди. Унинг шахло кўзларида ёшликнинг дилтортар қарашлари порлаб туради. Бу қарашлар ҳам ҳеч нарсани кўрмагандай тиниқ боқади. Узун-узун киприклари куксимга найзадай ботади. Юзидаги бир дона холига Шероз айтмоқчидай, икки шаҳарни бахшида қилиб юборса арзийди. Вақт бу аёлни эсдан чиқарганга ўхшайди. Умр баҳори ҳамон ўз оғушида сақлайди, уни. У билан те-

(Давоми. Боши утган сонларда).

XI

Дублин қасри,

1745 йил, 19 ноябр
ЖОНДАН АЗИЗ БОЛАЖОНИМ!
(...) Мавлуд таътиллари яқинлашиб келаяпти. Месье Де-нуайени жунатаяпман. Таътил кунлари у сенга рақсга тушишни ургатади. Айниқса, қулларнинг ҳаракати нафис чиқишига эътибор беришингни сурайман. Шляпани қандай кийиш ва қул узатишни урганиш ҳам шулар сарасига кириди. Ҳар қандай женелмен бу ҳаракатларга жиддий аҳамият беради. Аслида рақс — бетайин ва бекорчи машгулот. Бироқ айни пайтда ақлли одамлар ҳам баъзан иштирок этиши лозим бўлган эрмаклардан биридир. Шундай экан, рақс маҳоратини ҳам урганиб қўйсанг зарар қилмайди. Узимга қолса, сени раққос сифатида қуришга заррача тобим йўқ, аммо, бинобарин, рақсга тушишинга тўғри келганда, яхши уйнашингни, ҳар бир ҳаракатни чиройли, нафис бажаришингни истайман. Бошлаган ишинг қанчалик аҳамиятсиз бўлмасин, бошладингми бас, уни такомилга етказишга одатлан. Ёдингда бўлса, питч ва крикет ўйинларини ҳам Вестминстердаги барча болалардан яхшироқ уйнашингни истайман, деб куп айтардим. Масалан, фақат пүрим кийинишни орзу қилиш гирт телбалиқдир. Лекин шу билан бирга яхши кийини билмаслик ҳам дидсизликдан дарак беради. Чунки, жамиятда тутган мавқеинг, турмуш тарзинг кийинишга аҳамият беришни тақозо этади ва бу нарса инсонийлик қадр-қимматини туширмайди, аксинча, кўтаради. Атрофингдагилардан ёмон кийинмасликка одатлан. Соғлом фикрли одам билан ўзига бино қўйган олифтаннинг фарқи нимадалигини биласанми? Олифта кийимини кўз-кўз қилишни ёқтиради, ақлли одам эса кийим-кечак муҳим нарса эмаслигини билади ва ортиқча бачканаликка ўрин қолдирмайди.

Фозил инсонлар ҳам аҳамият бериши лозим бўлган, юқоридаги каби, бачкана урф-одатлар куп, улар ушш кайфиятга нохуш таъсир қилмаслиги керак. Юнон файласуфи Диоген Киник бу каби бемаъни одатларни ёқтирмай оқилона иш қилган, бироқ қарорини ошқора айтиб, телбаларча йўл тутган. Узгалардан ақллироқ бўлишга интилингу, бироқ буни ҳеч қачон ҳеч кимга билдирмасликка ҳаракат қил(...).

XII

Бат, 1746 йил, 4 октябр

ЖОНДАН АЗИЗ БОЛАЖОНИМ!

Гарчи сенга мактублар битишга куп вақт сарфлаётган бўлсамда, баъзан балки бунинг зарурати йўқдир, дея иккаланиб қоламан. Насиҳат ҳаммага ҳам ёқавермаслигини биламан. Айниқса, у кўпроқ насихатга муҳтож одамларга ёқмайди. Чунончи, ота-она насихат кекса-

ларнинг вайсақилиги, ёшларга уринсиз ҳукм ўтказишга интилиш, деб тушунилади. Лекин бошқа жиҳатдан қараганда ҳали ёш ақлинг куп нарсалар тўғрисида мустақил хулоса чиқаришга ожизлик қилса ҳам, менимча, ушбу очиқ-ойдин куришиб турган ҳолатларда тўғри йўлни танлашда янглишмайсан. Бинобарин, менинг насихатларим фақат сенинг, ёлғиз сенинг манфаатингни кўзлашини дарҳол англаб оласан ва улардан тўғри хулоса чиқаришга уринсан, деб уйлайман. Агар шундай қилсанг, насихатларим нечоғли фойдали эканлигини тезда ту-

зиятларга солиб қўяди. (...)

Юзакилик г— ўзига бино қўйган олифталарга муносиб. Кейинги пайтларда кўпроқ уйлайдиган бўлиб қолдим: агар ёшлиқдан билим олишга иштиёқ билан киришмаганимда ҳозир нақадар бахтсиз одамга айланар эканман. Балки аксарият жоҳилларга ўхшаб ичкиликка мук тушиб, соғлигимни кемираётган булармидим ёки хотинларни гийбат қилиб, уларнинг нафратига дучор бўлиб юрармидим. Ёхуд ҳар куни пайпоқ ва этик кийиб-ёчишдан зерикиб, ўзини осиб қўйган одам сингари

бирини тўлдириб боради. Бу йўлнинг иккаласини чуқур эгалламаган киши, биттасини ҳам эгаллай олмайди. Билимни фақат китоблардангина олиб бўлмайди. Тўғри, китобларни ўқиб куп нарса биласан, улар сени ҳаёт ҳодисаларига тўғри баҳо беришга ургатади. Сен китоблардан олган маълумотларинг билан одамларда ўзинг кузатган, ўзинг чиқарган хулосаларингни солиштира билганингдана ҳақиқатни топ оласан.

Одамларни билиш учун кўпроқ китоб титкилишдан кўра атрофдагиларга диққат-эътибор билан синчков разм солиш яхши фойда беради. Бутун умрини олий табақага мансуб киборлар орасида ўтказган купгина кекса одамларни биламан. Улар ўзларининг энгил табиатлари ва эътиборсизлик-



шуниб етасан. Оталик ҳуқуқимдан фойдаланиб, сенга сўзимни ўтказмоқчи эмасман. Сенга дўст сифатида, дўст бўлганда ҳам самимий садоқатли дўст сифатида маслаҳат бермоқчиман, ҳолос. Қўрқма, вақтичоғлик қилишингга эътироз билдириш ниятим йўқ, аксинча, бу борада фойдали маслаҳатларимни аямайман. Ёшлигимда йўл қўйган хатолар ва бемаъниликларни энди сен такрорламагин, деб катта ҳаётий таърибам шояд йўлингни бехатар қилса, ёритса, дейман. Шу боисдан ҳам, тўла-тукис менга қарамлигинг, сенга сарфлаётган ҳар бир чақани бошқа бировмас, мен бораётганимни заррача пасанда қилмайман. Аммо, сенга нисбатан аёлдай кўнгилчан ҳам эмасман, меҳрим фақат сенинг хизматларинг эвазига ортиши мумкин.

Такрор айтаман, сени боқаётганимни юзингга солаётганим йўқ, уйлайманки, сен ҳам менга нисбатан бўлган меҳринг, миннатдорчилик туйғуларинг, қолаверса адолат ҳаққи-ҳурмати доимо олижаноблик билан ҳалол иш тутасан.

Ҳар бир машгулотга диққат-эътибору кунт билан киришгин, деб сенга бир неча бор айтганман. Энди эса бу сифатларнинг мажбурийлигига эмас, балки уларнинг ижобий таъсирига кўпроқ урғу бераёпман. Бу сифатлар ҳаётдан лаззатланишда муҳим аҳамият касб этади. Ахир, ҳаммаша ҳамма нарсада тенгдош ва ўртоқларингдан олдинда бўлиш қандай яхши. Улардан орқада қолиб кетиш бориб турган ҳақорат, шармандалик-ку, шундай эмасми? Бундай кўргуликдан ҳазар қилишинг лозим, чунки, ўқиш учун тенгдошларингга қараганда жуда катта имкониятларга эгасан.

Гарчи бошқалар билан мусобақалашиб, улардан ўзиб кетиш нақадар мароқли бўлса-да, мен сени бу билан чегаралаб қўймоқчи эмасман. Уқисанг, ўргансанг ўзингга фойда. Қолаверса, бирор бир соҳада чала билимга эга бўлгандан кўра, умуман, ҳеч нарса билмаган маъқул. Юзаки билим қониқиш ва шараф келтирмайди, чаласаводлик кишини шарманда қилади, ноқулай ва кулгили ва-

уз жонимга қасд қилармидим.

Энди мана, мендан китоблар қолаяпти. Китобларим ҳар куни менга Цицероннинг билим ҳақидаги куйидаги сўзларини эслатиб туради: «Бу машгулотлар ёшларни озиқлантиради, кексаларни қувонтиради, бахтни безайди, бахтсизликда юпатади, умидвор қилади, уйда ором бахш этади, уйдан ташқарида ҳам ҳалақит бермайди, тунларни бирга ўтказди, савҳатларда ҳамроҳ бўлади, қишлоқ ҳўжалигида кўмаклашади».

Бу билан мен кексаликнинг ҳузурбахш онлари — суҳбатлашиш лаззатини эътиборсиз қолдираётганим йўқ. Аксинча, суҳбатлашиш ҳар қандай ёшда ҳам фойдали, мароқли машгулотдир. Бироқ жоҳилларнинг суҳбатини мароқли, деб бўлмайди. Улар ўз суҳбатларидан ўзлари чарчайдилар, зеро, бирор мавзуну муҳокама қилиш учун уларда на билим, на мисол, на керакли сўз топилади.

Шу боисдан ҳам имкониятнинг борида билимнинг чуқурлаштиришга интил, деб жиддий талаб қуйишимга ижозат бергайсан. Балки олган барча билимларнинг ийинқароқ ёшлик чоғингда ишлатишга имкон бўлмас, лекин, ишончинг комил бўлсин-ки, улар сенга жуда асқотадиган вақт келади. Ҳосил мўл бўлган йилларда давлат оғборлари тўлдириб қўйилади. Бунинг сабаби, балки кейинги йили ҳосил унмас, галла танқислиги юз бериши мумкин. Эҳтиёт шарт, оғборлар доимо тўла туриши лозим.

Бошқа ҳеч нарса демайман. Гапларимнинг ҳаққонийлигини билишинг учун ақл-хушинг етарли, қолаверса, тарбиячинг мистер Харт бор. Қисқача айтганда: «Сизнинг Мусойингиз ва пайгамбарингиз бор, модомики, уларга ишонмас экансиз, демек ўлик тирилган тақдирда ҳам ҳеч кимга ишонмайсиз».

Сендан утиниб сурайман, билимларни фақат китоблардан оламан, деб уйлама. Тўғри, китоб ўқиш мароқли, фойдали, унда куп илмлар зоҳир. Мен билимни одамларнинг ўзидан ҳам олиш мумкинлигини таъкидламоқчиман. Дарҳақиқат, илмли бўлишнинг бу икки йўли ҳаммаша бир-

лари туфайли ўн беш йил илгари нимани билган бўлсалар, ҳозир ҳам ўша билимлари билан юришибди. Бинобарин, сен ҳам қуруқ сафсата сотиш билан билимни мустаҳкамлайман, деб уйлама. Билишга, ўрганишга чуқурроқ эътибор қилишинг зарур. Сен одамларга шунчаки, юзаки қарама, уларга диққат билан разм сол, яхшилаб кузат, деярли ҳар бир одамда инсоннинг барча фазилатлари зоҳир бўлади, лекин уларнинг ҳар бирида муайян эҳтирос кучлироқ ривожланиб, қолганлари ана шу хислатга бўйсунди. Ҳар бир одамнинг ана шу энг муҳим фазилатини қидир, қалбига қулоқ сол, битта эҳтирос ҳар кишида ҳар хил такомиллашгани сабабларини ахтар. Бир кишининг етакчи ҳис-туйғусини англаб етказ эса, унинг ана шу туйғусига озор бермасликка ҳаракат қил, аксинча, унинг бу туйғусидан фойдаланишга интил.

Ушбу мактубни икки бор ўқиб чиқишингни хоҳлардим. Бироқ бир марта ҳам охиригача ўқимайсан, деган хавотирдаман. Ҳозир сени қийнаб ўтирмоқчи эмасман. Бу масалага ҳали яна қайтамыз. Ҳайр!

Ҳозиргина Шафхаузендан ёзган хатингни олдим. Ёзилган вақтини кўрсатибсану қайси ойдалигини ёзмабсан.

(Давоми бор).





...Аллоҳ фаришталарни нурдан яратар эмиш. Шайтонни эса — тундундан. Инсоннинг бир елкасида фаришта ўтирса, бир елкасида шайтон ўтираркан. Фаришталар уни яхшиликлар қилмоққа ундаркан-у, шайтон эса аксинча... Гоҳо инсон фаришталар измидан юриб, эзгу ишларга бош бўлса, гоҳо шайтоннинг сўзига кириб ноҳужа ҳаракатларни содир этаркан. Яхшиликлар бизни суюнтириб, руҳимизни улғайтиради, ёмонликлар эса... Алҳазар! Ёмонлик ҳақида ҳеч гапиргинг келмайди, киши. Бутун дунё эзгуликка тулиб, қароган бўлса деб орзуланасан. Орзуланаверасан... Лекин, гоҳо орзуларга лим-мо-лим кўнглинг синади, руҳинг парчаланади. Чидайсан. Яхши бўлиб кетар, дейсан. Яхшилиқ эса онда-сондагина қорасини кўрсатади, холос. Вужудингдаги «огриқ нукта»лар сени тез-тез безовта қилиб тургани сингари, қадамингда учраётган мушкулотлар ҳам руҳинг изтиробга солади, сени мушоҳада этмоққа чорлайди. Ёзишга учдайди...

КўНГИЛ — ЧИННИ ПИЁЛА
Эрталаб ишга кетиш учун ёлланайтсам, эшик кўнгириги, жиринглаб қолди. Оқсам, пасти қаватдаги қўшним. Йўллайвериб, юз-қуларари шишиб кетган. Кўрқиб кетдим. Тагин, уйда бирор кори-ҳол... «Сизга нима бўлди, Ҳанифхон?»

Инсоният тараққиётининг ибтидо-сида қимматбаҳо тошлар шифобах-хилик, сеҳр-жоду қуввати, хусусия-ти билан қимматга эга саналиб келинган. Вақт ўтиши билан эса қим-матбаҳо тошлар бойлик, безак си-фатида ҳам инсонларга хизмат қила бошлаган. Рус астрологи Елена Гор-батова кўшнинг йиллик ҳаракат до-расидаги 12 түп юлдуз номлари, яъни Зодиак буржига асосан қим-матбаҳо тошларга қизиқувчан киши-

ТОШЛАР—

ларга бу йил қандай тошлар сотиб олиш, совға қилиш мумкинлигини тавсия этади. Бунга амал қилган ҳар бир кишига тошлар бахт олиб келаркан.

1. Қўл. Бу юлдуз буржида тугил-ганларга ёқут ва олмос каби тошлар тўғри келади. Ёқут ва олмос инсонга шуқуш, шараф, давлат, ижодий ютуқ олиб келаркан. Бу қимматбаҳо тош-ларни олтин гардишли тақинчоқлар-да ишлатиш тавсия этилади.

2. Сигир. Буларга кўпроқ ранг-бар-ранг ақик тошлар мосдир. Одатда ақик олтин ва қумуш тақинчоқларда яхши акс этади. Бу йилда сигир бур-жидагиларга мис гардишли ақик браслет тақиш маслаҳат берилади. Ақик инсонда меҳрибонлик, му-лоимлик туйғуларини шаклланти-риб, ишонч ва хотиржамлики мус-таҳкамлайди.

3. Эгизак қиз юлдуз буржида ту-гилганларга тоғ биллури хосдир. Бу тош аниқ ва равоқ фикрлашга, ке-ракли маълумотни ўз вақтида ола би-

Сал ўзига келди. «Шундай сиқилиб кетдимки, қўшнихон. Сизга айтиб сал таскин топай деб чикдим. Ўз-ўзимни жуда-жуда ёмон қўриб ке-

СЕНГА СУЯНАМАН, МЕҲРУ ОҚИБАТ!

таяпман, ҳозир...» Сўнг айтиб бер-ди:

— Кеча ишхонамдаги аёллар би-лан тушлик қилаётсак, «Лолаҳон» де-ганимиз эри билан уришганини га-пириб қолди. Эри бошқа аёлга айла-нишиб қопти. Сўнг ҳамма аёллар уни юлата кетишди: «Кўйинг, ҳозир «юр-маган» эркак борми...» Мен бу га-пни эшитиб жойимда ўтиролмай қол-дим. «Наҳотки, Неъматжон акам ҳам...» Сабаби, кейинги кунларда жу-да кеч келадиган одат чиқарди. Ҳа-ли «чойхонада ўтириш борида» дейди, ҳали «ишхонада навбатчи эдим» дейди. «Қани, бугун келсин-чи, бир гаплашиб кўймасам...» Шу-шу ховлиқиб уйга келдим. Овқат қи-ляпману, хаёлимда ҳалиги гап. Бо-лаларни ухлатдим-да ошқора «жа-нг»га тайёрланиб ўтирдим. Соат 12 дан ошдики, у кишидан дарак йўқ. Бир пайт эшик кўнгириги жирингла-ди, иргиб туриб очдим. Турибдилар,

де-им. Яна йиғ-лаб юбор-ди. Уйга кирги-зиб, диван-га ут-қаз-дим, қўлига б и р пивла-да сув т у т-дим. илжайиб... Салом ҳам бермай, юзим-ни терс ўгирдим. (Ҳамиша кеч келса ҳам «яхши келдингизми?» дердим-да!) «Нима гап» дедилар ҳайрон бў-либ. «Ҳа, намунча кеч, бугун нима баҳона уйлаб келдингиз? Еки маъшу-қангиз топиб бердимки бирор баҳо-на!» У киши ажабланиб, юзимга қа-ради. Сўнг: «Сенга нима бўлди? Ов-қатингни опке, қорним оч. Кейин га-пириб бераман ҳаммасини» деди. Мен эса пинагимни ҳам бузмай: «Бундан сўнг қаердан келаётган бўл-сангиз, ўша жойдан овқат еб кели-нг. Бугун овқат қилганим йўқ!» деди-му, ичкари уйга кириб кетдим. Эшит-дим, у киши оғир «ух» торти, сўнг ечинмасдан бориб диванга чўзилди-да, ухлаб қолди. Эрталаб ҳам бола-ларга чой ичирдим-да, дастурхонни тезгина йиғиб олдим. Болаларни бо-чага олиб кетдим. Келсам, у киши нонушта ҳам қилмасдан ишга кетиб қолибди. «Ҳали кечқурун келсин...»

дедим муштаримни туғиб.

Бир пайт, эшикни кимдир тикил-латди. Қўшни болаларми, деб очсам, жуда букчайиб қолган нотаниш бир кампир. «Неъматжоннинг уйи шуми?» деб сўради. «Ҳа, шу!» дедим зарда аралаш. Кампир останада ўтириб олиб дуога қўл очди: «Илоё, иккало-винг қўша-қариб юринглар, болала-рингнинг ҳузур-ҳаловатини қўринг-лар. Неъматжонни кўрмасам ҳам, ич-ичдан уни «ўғлим» дедим, битта ўғ-лим иккита бўлди шу бугундан. Илоё, қадаминдан нур тўқилсин шу ўғлим-нинг. Ёлғизгина боламни улимдан ас-раб қолди, у. Мендан қайтмаса, ҳу-додан қайтсин! Ҳар намозимда уни дуо қиламан, энди...» Кампир йи-глаб юборди. Кейин қўлидаги тугун-ни менга узатди. Унинг айтишича, Неъматжон акам кеча шошиб келаёт-са, бир дарахт тагида кимдир бук-чайиб, инграб ётганимиш. Ёнига ю-ғриб борса, 25 ларга кирган йиғит,

ОДАМИЙЛИК САБОҚЛАРИ

қўричаги хуруж қилиб, ҳушидан ке-тай деётганимиш. Тезда машина тўхтатиб, шифохонага элтибди. Шу заҳотиёқ уни операция қилишиб-ди. Докторнинг айтишича, сал ке-чикилганда борми... Вақт аллама-ҳал бўлиб кетганидан, беморнинг устига ёлган костюмини ҳам уни-ти, қолдириб келаверган экан, Неъматжон акам. Ўғли бизнинг ад-ресимизни айтиб, шу кўстюмни бе-риси юборган экан, онасидан...

Кампир яна нималар деди, қа-чон кетди, билмайман. Ҳушим бо-шимдан учиб, ўтираверибман. Шунча йилдан бери эрим билан бир-ор мартаям сен-менга бормаган-дик. Мен уч-тўртта хотиннинг га-пини гап деб, у шўрликни қанча-лар хафа қилдим, дилини оғрит-дим. Ахир, у кишига ишонардим-ку. Нега бирдан ишонмай қолдим? Нега бу ҳодиса юз берди? Энди кечқурун келсалар, юзларига қан-дай қарайман. Эҳ... Ўз-ўзимни шу қадар ёмон қўриб кетаяпманки, ҳо-зир!

Ҳанифхонни овутдим. «Бундай тушунмовчиликлар турмушда бўлиб туради, энг муҳими айбонгизни ил-габсиз, ҳаммаси ўрнига тушиб ке-тади» дедим. Қўшним чиқиб кет-ди. Ич-ичдан ачиндим, унга. «Кўн-гил-душман, ақлингга ишон» дейишган қадимгилар. Кўнгилдан кечган шубҳаю-ғумонлар тигга айланиб, қанча-қанча инсонлар ди-лини яраламади экан... Ахир, син-ган пивлани чегалаш мумкиндир, лекин синган кўнгилни бутлаб бўл-майди-ку! Мен қўшнимнинг ишхо-насидагиларни ҳам айблай ол-майман. Улар ўзлари сезиб-сез-май, бир иноқ оилани шубҳалар ботқоғига ботирдилар. Бир оила-даги муқаррар ишончни йўқотди-лар. Тилга эҳтиёт бўлишимиз ке-рак ҳамиша...

ҲАДИҚСААН: «ЁМОН УЛФАТДАН ЯККАЛИК ЯХШИ, ЯККАЛИКДАН ЯХШИ УЛФАТ ЯХШИ, ЖИМ ЎТИРГАНДАН ФОЙДАЛИ ГАП ЯХШИ, БЕФОЙДА ГАП-ДАН СУҚАТ САҚЛАГАН ЯХШИ.»

Гулчехра ЖАМИЛОВА

лишга сабаб бўлади. Тоғ биллури-ни олдиндан билувчи башоратчи тош ҳам дейишади. Уни қумуш ёки олтин тақинчоқларда ишлатган маъқул.

4. Қисқичбақа. Зумрад тошли қу-муш тақинчоқ сотиб олиш тавсия эти-лади. Бу тош — сизнинг туморингиз-дир. Зумрад кўнгилда умид уйғота-ди ва эгасига қувонч, бахт олиб ке-лади.

5. Арслон буржидаги кишиларга қаҳраб тоғри келади. Қаҳраб ишо-нни мустаҳкамлайди, кўтаринчилик кайфиятини олиб келади. Шунингдек, кишининг соғлом ва баркамол бўли-шини таъминлайди. Буни асосан мис гардишли тақинчоқларда ишлатиш тавсия этилади.

6. Бошоқ. Нефрит яъни «озодли рамзи» дея номланувчи бу шаффоф

БАХТ

минерал боши берк кучага кириб қолганда кишига асқотади. Нефрит-ни платина ёки қумуш тақинчоқлар-да ишлатилса бахт олиб келади.

7. Тароз. Хризолит ва хризобе-рилл. Бу тошлар сизга муҳаббат ва тинчлик олиб келиб, сизни табиат билан янада яқинлаштиради. Хризо-лит одилона иш юритишда омад олиб келса, хризоберилл қариндош-лар билан узаро муносабатни яхши-лайди. Бу тошларни олтин ёки мис тақинчоқларда ишлатса бўлади.

8. Чаён буржидагиларга турмалин тошини сотиб олиш тавсия этилади. Бу тош оилангизга бахт келтириш билан бирга никоҳни мустаҳкамлаб, фарзандсизга фарзанд беради. Ге-

матит ва александ-рит тошлари ҳам бу буржда туғил-ганларга тўғри ке-лади. Бироқ бу тошлардан эҳтиёт бўлиш керак. Чун-ки гематит ва алек-сандритдан фақат кучли одамлар фойдаланиши мумкин. Тавсия қи-линган тошларни қумуш ёки қалай гардишли тақин-чоқларда ишлатиш фойдадан холи бўлмайди.

9. Феруза — ей буржидагиларнинг аънавий тошидир. Айниқса феру-за бу йилда жудаям муҳим санала-ди. Энг яхшиси эса ҳаворанг феру-за, қук ва оқ рангдагиларининг си-фати бошқача бўлиб, уни ҳамма ҳам узоқ вақт тақолмайди. Ҳаворанг фе-руза кишини маънавий жиҳатдан ус-

КАЛИТИ

тиради. Бекорга бу тошни қадимда «ғалабани эгалловчи» дейишмаган, ахир. Феруза тошли тақинчоқни эҳ-тиёт бўлиб тақиш керак. У космети-ка, крем, духи таъсирида емирили-ши мумкин. Бу тошни қумуш, олтин, мис ва қалай гардишли тақинчоқлар-да ишлатса бахт олиб келади.

10. Тоғ эчкиси. Оникс, циркон тош-



лари. Циркон инсонда илм, фанга интилиш уйғотиб, фикрлашни ўсти-ради, хотирани, ўзига бўлган ишо-нни мустаҳкамлайди.

11. Қовға. Бу буржидагиларга аниқ битта тошни тавсия этиш қийин. Шундай бўлсада уларга аметист то-шини маъқул қураимиз. Аметист-ти-нчлик ва тенглик тошидир. У дўст-лики барқарорлаштириб, кишини ахлоқона фикрлардан ва қолаверса, ичкиликбозликдан сақлайди. Буни вақти-вақти билан тақиш керак. Фа-қат қумуш тақинчоқларда...

12. Баллқ учун марварид тоши энг яхши совға. Бу тош соғлиқ ва бахт олиб келади. Оилавий муносабатлар-ни мустаҳкамлайди. Одатда қумуш тақинчоқларда тақиш маъқул.

А. САФАРОВ тайёрлади

ИЧКИЛИКБОЗЛИК

Англияда утган асрнинг бошларида ичкиликбозликка берилган кишини тавба қилдирмоқ учун ифлос кийимлар кийгизиб, буйнига «пиёниста» деб ёзилган ёрлик осиб, энг малол келадиган ишларни қилдиришар экан.

Қадимги вақтларда Россияда, масалан, Самара губерниясида ичкиликдан улган кишини мотам маросими билан кўмиш қургўқчилик, қаҳатчилик келтиради деб, 8 дарёга оқизишиб юборишар ёки ўрмонда ура қовлаб кўмишар экан.

Арабистонда Муҳаммад Пайгамбар замонида май ичиш ҳаром деб таъқиқланган. Май ичган киши қаттиқ жазоланган. 40 даррадан тортиб 80 даррагача урганлар.

Қадимда Тошкентда ҳам май ичгани учун 40 дарра уриш одати бўлган экан.

АРОҚДА 34 КАСОФАТ БОР

1. Касофати — ароқ ичган жиннига ўхшаб қолади. 2. Исроф; ҳудо Куръонда — ишлатинглар, дунё нарсаларини исроф қилманглар деди. 3. Дустни душман қилиб қўя-

ди.

4. Ароқ худонинг ибодатидан қайтаради. 5. Ароқ зинога жуда тез олиб боради. 6. Ароқ ҳамма гуноҳларнинг айғири, қўзғаб чиқаради. 7. Ароқ ичган хотинини тез талоқ қиладди. 8. Савоб, гуноҳ ёзидиган фаришталар қаттиқ озор топади. 9. Ароқ ичганга 80 дарра урилади. 10. Ароқ ичганга худонинг раҳмат дарвозаси бекилади. 11. Қиёматда утқи қамчилар билан уриб азоб берилади. 12. Ароқ ичганнинг уйида тинчлик ва бирака бўлмайди. 13. Халқ ўртасида обрўинг йўқолади. 14. Улса беимон кетади. 15. Нафси шайтоннинг хурсандлиги ароқ билан. 16. Ароқнинг касофатига Оллоҳ таоло уша шаҳарга офат бало ёғдиради. 17. Ароқнинг касофатига Оллоҳ таоло барақани кўтариб очарчилик пайдо қиладди. 18. Ароқнинг касофатига Оллоҳ таоло халқ ўртасида фитна-фасод, қўрқинч пайдо қиладди. 19. Ароқ ичилган жойда, қирқ кун дуо ижобат бўлмайди. 20. Ҳалол деган одам кофир бўлади, қаттиқ тавба қилмаса, ҳудо асло кечирмайди. 21. Ароқнинг касофатини Расулulloҳ айтадилар: менинг умматларим гуноҳ ишларнинг тепасида тупланмайди, демак уммат-

чиликдан чиқиб қолади. Оллоҳ сакласин, муминларни доим. 22. Ароқ ичувчига ароқни қўлига олган заҳотиёк осмон ва ер фаришталари лаънат юборадилар. 23. Қиёматда қулоқ, кўз, қўл гувоҳлик беради. 24. Эраклик аломати жуда тез тўхтаб, йўқ бўлиб ҳам қолади. 25. Ароқ ичувчи ароқ бўлмаса хотинига яқинлик қилолмайди. 26. Ароқ ичганда пайдо бўлган бола — бола эмас жуда ёмон бало бўлади, яъни ўғри, алдамчи, ишқмас, бадбахт фарзанд бўлади. 27. Ароқнинг касофатидан қўзи тез хира бўлади. 28. Тиш тез тўқилади. 29. Сўзининг таъсири бўлмайди. 30. Умри жуда калта, мазмунсиз бўлади. 31. Ароқ ичувчини фарзандлари ҳам ҳурмат қилмайди. 32. Гурда ҳам жуда қаттиқ азобланади. 33. Жон бериши қийин бўлиб, у дунёда дўзах азобида қолади. 34. Расули Акром Саллоллоҳу алайҳи васаллом айтадилар: уч тоифа жаннатга кирмайди: 1 — доим ароқ ичган; 2 — бахши, фолбиннинг сўзига ишонган; 3 — қариндошларидан узилиб кетган.

Ўқинг, мулоҳаза қилинг!

ДЕРАЗА

БОЛАЛАР БОҒЧАСИГА ХУЖУМ

Хитойнинг Мэхэкоу шаҳридаги болалар боғчасида бир жангар тирмонидан қиёматқоним уюштирилди. Дун Чипсимпи бу жангар полициячилар билан мулоқатда бир неча ойдан буён маошсиз яшаётганини айтди. Уни қўлга олиш бир неча боланинг ва ўзининг улими билан яқин топди.

ЧИРОЙЛИЛАРГА ИШОНЧ ЙЎҚ

Афина шаҳри полицияси маъмурлари россиялик гўзал қизларнинг Грецияга келишларини таъқиқламоқда. Полициячиларнинг фикрича, уларнинг қўчилиги бу ерга енгил пул топиш мақсадида ташриф буюрар экан.

ҚОНУН ҲАММАГА БАРОБАР

Швеция қироли Карл XVI Густав қароргоҳи кенгайтирилмаётганда қизик воқеа содир бўлди. Шу атрофда уйи ва ер майдони бўлган бир аёл оғда мурожаат қилди. Суд аёлни ҳақли деб топди ва қирол қароргоҳининг унинг ерлари томон кенгайтирилишини қонунга хилоф деб эътироф этди. Бу воқеадан хабар топган қирол қонун барчага баробарлигини тан олди.

ҚАЕРДА ҚАНЧА?

Бутун Дунё Соғлиқни сақлаш ташкилотининг хабарига қараганда, ер юзиде 170 мингдан ортиқ СПИД касалига чалинган кишилар бор экан. Шуларнинг 38 фоизи АҚШда, 35,5 фоизи Африкада, 12 фоизи Европада, яна 12 фоизи Америка қитъасида (АҚШдан ташқари), 2,5 фоизи эса Осиё ва Океания мамлакатларида истиқомат қилар экан.

БЎРИ БАРИБИР БЎРИ-ДА

Ростовдаги ҳайвонот боғида даҳшатли воқеа содир бўлди: Панжаба ортида «ювошгина» бўлиб турган бўрига қанда ташлаб бошнинг сипаётган қизчага маҳлуқ бирданга ташланиб қолди. У қизчанинг бир қўлини бутунлай ғажиб ташлади. Шифокорлар қизнинг қўлини кесиб ташлашга мажбур бўлишди.

ВЕЛОСИПЕДДАН ҚУЛАЙИ ЙЎҚ!

Копенгаген шаҳри маъмурияти шаҳар тозаллиги ва шовқин-сизиллигини таъминлаш учун, 120 та велосипед туришига мўлжалланган жой ва 1000 донга велосипед бўлган ижара хонани ишга туширишди. Истаган киши 20 крон эвазига ижарага велосипед олиб кун бўйи фойдаланиши мумкин. Қизиги шундаки, велосипедни қайтарганингиздан кейин пулигини ҳам қайтариб беришди.

Хорижий матбуот хабарлари асосида тайёрланди



Ўйқунг ширин бўлсин, кўзичоғим!

ТАБРИКЛАЙМИЗ!



Самарқанд вилояти, Ургут тумани, Қуйиқишлоқ қишлоғида истиқомат қилувчи Саодат ҚУЗИБОВА!

Муҳтарам ва азиз онажон! Биз сизни мўқддас сана — муҳтарам пайгамбаримиз ёшларига етганлигиниз муносабати билан чин юракдан қўлайимиз.

Сизга Самарқанд обидалари умридек узоқ ва боқий умр, Ургут тоғларидек улкан ва тўғамас бахт тилаймиз. Ҳаммамизнинг бахтимизга саломат бўлинг, нуруний чехрангиздан табассум аримасин. Соҳибқаромат бобо калонимиз мулла Юсуф хожанинг руҳи поклар сизни доим қўласин.

Хурмат ва эҳтиром билан ўқингиз Алижон, набираларингиз Мадинахон ва Хумоюнжонлар.



Ҳурматли АЛИШЕР ака! Сизни яқинда бўладиган таваллуд кўннингиз билан самимий муборакбод этамиз. Сизга узоқ умр, бахт-саодат тилаймиз. деб уқангиз УЛУҒБЕК, САЛИМ, ДИЛМУРОДЛАР!

Ҳар тўғрида

АРТАМОНОВНИНГ ИХТИРОСИ

Дунёда дастлабки велосипеднинг ихтироҳчиси Уралдаги Верхотурье қишлоғида истиқомат қилган Петр Артамонов ҳисобланади. Ақойиб рус устаси 1801 йилда узи ихтиро қилган велосипедда Верхотурьедан Москвага етиб борган. Москванинг Сокольников майдонида подшо Александр I нинг тахтга ўтириш маросимида Артамоновнинг ақойиб кашфнети бутун халққа намойиш қилинган эди. Артамонов бу ихтироси учун крепостнойликдан озод қилинди. Аммо ихтироини узи қолоқ чор Россияи шаароитида тадқиқ қилинмай қўлиб кетаверди.

Велосипеднинг гарбдаги ихтирочилари эса рус устаси яратган бу конструкцияни қўп қийинчиликлардан кейингина ўзлаштириб олдилар.

ВЕЛОСИПЕД ВА БОЛАЛАР

Велосипеддан тўғри фойдаланиш болаларнинг чинқишига, таналарининг тўғри ривожланишига ердан беради.

Бола велосипед минса мускуллари яхши ривожланиши билан бирга қон айланиши, нафас олиши яхшиланади, чинқади. Бироқ баъзи бир болалар велосипедни бир оёғи билан ҳайдаб юради. Бундай ҳаракат натижасида боланинг гавда тузилиши бузилади.

Велосипед боланинг бўйига мос бўлиши шарт. 12-16 ёшдаги болалар бир кунда 1,5-2 соат велосипед минишлари мумкин.

Эраниздан аввалги II асрда Люцийс Апулей идишда балиқ асрагани учун судга тортилган (бу идишни Апулей аквариум деб атайди).



БЕШ ОҒАЙНИ БЕЛЛАШМОҚДА

АЛПОМИШЛАР ЮРТИ БУ

УзТВ муҳбири «Сиз аёлларнинг катта жисмоний куч талаб спорт турлари билан шугулланишларига қандай қарайсиз?» деб суради.

— Бундан бир неча йиллар аввал аёллар фақатгина 3 километр масофага югуриш мусобақаларида қатнашар эдилар. Бугунга келиб улар марафончасига — 42 километрга ҳам бемалол югураётганлар. Умуман, мен аёлларнинг қайси тури билан бўлишдан қатъий назар, спорт билан шугулланишларини маъқуллаяман, — деди жаноб Самаранч.

Россиянинг «Постфактум» ахборот агентлиги муҳбири Узбекистон МОК раиси Собир Рузиевга савол бериб, келгусида бу мусобақаларга МДХга кирувчи бошқа мамлакатлар спортчилари қўшилиши эҳтимоли бор-йўқлигини суради.

— Уйинларга тайёргарлик қуриш жараёнида Озарбойжон ҳам қатнашиш истагини билдирди. Лекин сизларга маълумки, бир йил олдин

Утган йили Хиросимада бўлиб ўтган XII Осиё уйинларини кузата туриб, Узбекистон маҳияси янграгандаги, байрогимиз ҳилпирагандаги, юрт номи хорижий тилларда такрор ва такрор жаранлагандаги ҳолатини қурсангиз эди. Узбекистон спортчилари кетма-кет ютуқлари кўлга қирита бошлаганда куз олдимга алп келбат Алпомиш, Гурўгли, Авзжон, Бек Равшан сиймолари гавдаланди. Спортчиларимиз кузларида чакнаган чўғни қурганимда соҳибқирон Амир Темур, юрт ҳажрида жафо чеккан Бобур ҳазратлари, Буюк бобомиз Мирзо Улугбекларни уйладим. Ох, уларнинг руҳлари чевараларнинг дунёни қойил қилаётганидан қанчалар шод.

Байрам кунини Жарқурғонлик Рустам полков Қурбонов ҳақидаги курсатувни нафас олмай томоша қилдим. Вужуд-вужудимдан олов сермалди. Гуё оғам полковдек, гуё оғам Президент совринига эга бўлгандек. Гуё Жарқурғонлик полков она қишлоғига машина миниб келганда, унинг онаси эмас, менинг онам сочқилар сочяётгандек.

Нега бу полков менга бегона бўлсин? Узбек қайда бўлмасин, қаерда яшамасин менинг инимдир, менинг оғамдир.

Мустақиллик байрамимиздан бир кун ўтиб Тошкентда биринчи Марказий Осиё уйинлари очилди. Унда узбек, қозок, қирғиз, туркман ва тоjik спортчиларидан мингга яқини қатнашмоқда. Очилиш маросимда раққоса қизларимиз ана шу ака-ука миллатларнинг либосида чиққанда ҳаяжондан титрадим. Биз бирлашамиз, биз қудратли кучга айланамиз. Зеро, Туркистон — ағона уйимиз, деган фикр ҳаёлимдан ўтди.

Олимпияда юрти кўхна Юнонистондан келтирилган рамзий машъаланинг ўчиб қолмаслиги учун спортчиларимиз Абдулқосим мадрасасида мижга қоқишмаганини эшитиб ҳаяжоним яна бир қарра ошди.

Таниқли спортчиларимиз ана шу машъалани майдон узра кутариб югурганларида нега мен уша ерда эмасман, деб ўртандим. Нега уларнинг бошига қалампирнусха дуппи кийдириб, белларига шойи қийиб боғламадим деб куйиндим.

Мана, Ёшлар Иттифоқи мукофотининг совриндори дорбоз Тошкентбоев машъалани лангар чўлда баланд кутариб ҳаволанди. Шу пайт телевизор экранига ҳилпираётган Узбекистон байрогининг акси тушди. Ох машъала байроққа туташмаса эди, деб чўчиб кетдим. Кейин билсам режиссёр ва тасвиричи чиройли куришни бўлиши учун байроқнинг тасвирини беришган экан холос.

Хуллас очилиш маросими бир ҳаяжонли, бир шўқушли ўтди. Айниқса, юртбошимиз суз бошлаганларида бутун майдоннинг оёққа қалқганини куриб, киприкларимга қувонч ёшлари илинди. Қолаверса, менда Туронзамин спортчилари ҳали куп бора жаҳонни лол этадилар деган ишонч ҳам уйғонди.

Гулжаҳон МАРДОНОВА

ЖУРНАЛИСТЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Ов, Узбекистон МОК раиси Собир Рузиев қатнашдилар ва журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб бердилар.

Жаноб Самаранч «Узбекистонда қачон Олимпияда уйинлари ўтказилиши мумкин?» деган саволга шундай жавоб қилди:

— Умуман, Узбекистонда Олимпияда уйинларини ўтказиш учун имкониятлар бор. Фақат бу вақт билан боғлиқ масала. Менимча, I Марказий Осиё уйинлари бу йилдаги дастлабки қадам, биринчи имтиҳон бўлади. Аввало ундан муваффақиятли ўтиш керак. Ундан кейин Осиё уйинларини Узбекистонга тақлиф этиш мумкин бўлади. Ана шундан кейингина юртингиз Олимпияда уйинларини ўтказиш учун даъвогарлик қилиши мумкин.

Мухбирлардан бирининг «Кейинги йилларда Олимпияда уйинларини ўтказиш учун кўпроқ АҚШ шаҳарлари танланаётганини қандай изоҳлайсиз?» деган саволига ХОҚ президентининг жавоби шундай бўлди:

— Уйинларни қайси шаҳарда ўтказиш ХОҚ кенгашида овоз бериш йўли билан амалга оширилади. Мен овоз бериш ҳуқуқига эга бўлсамда, бетараф туришни мақсадга мувофиқ деб биламан. Шуниси ҳам борки, АҚШ иқтисодий жиҳатдан қудратли давлат, уйинларни ташкил этиш ва ўтказиш учун имкониятлари катта.

жаноб Самаранч бевосита Марказий Осиё уйинларини ўтказишни тақлиф этган эдилар. Шунинг учун ҳозирча унинг қатнашчилари таркибини кенгайтириш мақсадга мувофиқ эмас деб уйлайман. Кейинчалик бошқалар ҳам қўшилиши мумкин бўлар, — деб жавоб қилди Собир Рузиев.

Жаноб Самаранч билан бирга Европанинг ўчта йирик ахборот агентликлари муҳбирлари ҳам уйинларнинг боришини ёритиш учун Тошкентга келишган. Улардан «Европанинг I Марказий Осиё уйинларига бу қадар қизиқиш билан қараётганлигига сабаб нима?» деб сурашди. Улар яқинлик билан Марказий Осиё давлатлари ҳам мустақил бўлгач, ХОҚнинг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлишганини таъкидлашди. Айниқса, 12 Осиё уйинларида норасмий умумжамоа ҳисобида Қозогистонлик спортчилар туртинчи, узбекистонликларнинг эса бешинчи уринини эгаллашлари ҳам Европада бу мамлакатлар спортчиларига жиддий рақиб сифатида қаралаётганига сабаб бўлди. Бу мусобақалар келгуси йили Атланта шаҳрида ўтадиган Олимпияда уйинлари олдиндан Марказий Осиё спортчиларининг имкониятлари ҳақида тўлароқ маълумот олиш имконини беради, дейишди.

СОВРИНДОРЛАР АНИҚЛАНДИ

Уйинлар дастурига киритилган айрим спорт турларида ғолиб ва совриндорлар аниқланди, уларга ншонлар ҳам топширилди. Жумладан, эркин кураш ва юнон-рум кураш бўйича мусобақалар якунланди. Қуйида уларнинг натижаси билан танишасиз.

Юнон-рум кураши (ғолиблар)
48 кг. Д. Коршунов (Узб.).
52 кг. Р. Бебеков (Қир.).
57 кг. Ш. Худойбердиев (Узб.).
62 кг. А. Худойбердиев (Узб.).
68 кг. Х. Қурбонов (Тожд.).
74 кг. А. Шпотин (Қоз.).
82 кг. Р. Жумабеков (Қоз.).
90 кг. Б. Бойсанов (Қоз.).
100 кг. С. Матвиенко (Қоз.).
130 кг. Ш. Қўзиев (Узб.).

Эркин кураш (ғолиблар).
48 кг. Ш. Йўлдошев (Узб.).
52 кг. В. Торговкин (Қирг.).
57 кг. М. Маъмиров (Қоз.).
62 кг. Р. Исмолов (Узб.).
68 кг. Б. Денгелбоев (Қоз.).
74 кг. Б. Будаев (Узб.).
82 кг. Р. Химчагов (Узб.).
90 кг. Т. Янгузаров (Қирг.).
100 кг. И. Байрамуков (Қоз.).
130 кг. Г. Жильцов (Узб.).

Мерганлик

Аёллар, Пневматик пистолетдан отиш, шахсий биринчилик.

I урин: Юлия Бондарева (Қоз.). — 480 очко

II урин: Дина Аспандиярова (Қоз.). — 474 очко

III урин: Забина Ирсалиева (Қирг.). — 473 очко

Узбекистонлик мерганлардан Галина Рашидова 4-урин билан қифояланди. Шунингдек, ҳамюртларимиз бокс бўйича 7 та олтин, 4 та кумуш ва 1 та бронза, қиличбозлик бўйича мусобақаларда 1 тадан олтин ва кумуш, 2 та бронза, 50 метрга сузишда 1 та олтин, 3 та бронза, 30 км. га эркаклар ўртасида велопоийада олтин медални кўлга киритдилар.

МЕДАЛИНГИЗ

НЕЧТА БЎЛДИ?

(спортнинг 5 турини бўйича якунлар)

Қатнашчи	Медалларнинг умумий сони			
	олтин	кумуш	бронза	жами
Қозогистон	26	24	13	63
Ўзбекистон	29	23	13	65
Қирғизистон	5	7	21	33
Туркменистон		6	16	22
Тожикистон	1	1	6	8

ҲАҚАМЛАР ҚАЙДНОМАСИДАН

Волейбол

Аёллар: Қирғизистон — Қозогистон — 0:3; Тожикистон — Ўзбекистон — 0:3
Ўзбекистон — Қирғизистон 3:0; Қозогистон — Тожикистон 3:0

Эркаклар: Қирғизистон — Туркменистон — 0:3; Ўзбекистон — Тожикистон — 3:0

Туркменистон — Қозогистон — 0:3; Қирғизистон — Ўзбекистон — 0:3

Баскетбол

Аёллар: Қирғизистон — Туркменистон — 97:67; Тожикистон — Ўзбекистон — 56:96

Тожикистон — Туркменистон — 85:93; Ўзбекистон — Қирғизистон — 87:99

Эркаклар: Ўзбекистон — Тожикистон — 119:76; Туркменистон — Қирғизистон — 95:76

Қирғизистон — Ўзбекистон — 99:57; Тожикистон — Туркменистон — 66:95

ҚИСКА САТРЛАРДА

Марказий Осиё уйинларида қатнашиш учун бешта республикадан жами 800 га яқин спортчи ташириб буюрган. Ҳакамлар, расмий вакиллар эса 400 киши атрофида. Улар шахримиздаги «Ўзбекистон», «Тошкент», «Чорсу», «Турон» ва «Россия» меҳмонхоналаридан жой олганлар.

«Узавтотранс» бошқармасига қарашли 15 та «Мерседес-Бенс» русумли автобус, 12 та микроавтобус ва 9 та «ГАЗ-24» русумдаги енгил машина спортчилар, расмий вакиллар, ҳакамлар ва ишчи гуруҳлари хизматида.

Биз «оила»чиларни айниқса қувонтиргани шунки, уйинларнинг ҳомиёлари таркибида газетамизнинг муассисларидан бири — «Соғлом авлод учун» халқаро жамғармаси ҳам бор. Умуман, мусобақалар ҳомиёлари ҳақида гап кетганда, «Прима Комексин», «ДЭУ корпорейшен», «Язекс», «Айсел», «Совпластитал», «Штрабах», «Ал-Машрик», «Демир», «Кангор ЛТД», «Осиё Вест», «Кока-кола», «Узфармсанот», «Узхитойсавдотранс», «Тошшаҳарйўловчиратс», «Ўзбекистон» меҳмонхонаси каби йирик фирмалар, ташкилотларни тилга олиб ўтиш лозим.

«Рассом» комбинатининг олтмишдан зиёд безакчи рассомлари тер туки меҳнат қилганликлари туфайли спорт иншоотлари ва Тошкент шаҳри кўчалари уйинлар рамзи туширилган паннолар, плакатлар ва афишалар билан чиройли қилиб безатилди.

• Соғлом ва гўзал бўлай десангиз

20. ШАШАНКАСАН

(Давоми. Боши ўтган сонларда)


Одёл ёки гиламда Важрасан шаклида утиринг. Нормал нафас олаётинг қўлларингизни юқорига кўтариб ва иккала қўлингизни жуфт бириктиринг. Нафас олинг, олдинга эгилинг. Қўл кафтларингиз билан биргаликда бошингизни ҳам полга теккизинг. Ўзингизнинг Гурунгизга (устоз) бўлган ҳурматингизни гуёки намоиш этаётгандай бўлишингиз шарт. Бир қанча вақт ана шундай туринг ва сўнгра дастлабки ҳолатга қайтинг.

Кафтларингизни жуфт тутмасдан, уларни алоҳида-алоҳида қуйишингиз ҳам мумкин. Қачонки, сиз бошингиз ва кафтларингиз билан паства эгилганингизда олдингизда Гурунгиз турганини ва

сиз унга ҳурмат билан таъзим қилаётганингизни ҳис қилинг.

Шавазан ҳолатида дам олинг. Сиз бу асанни кун давомида уч марта бажаришингиз мумкин. Агар сиз меъёрида нафас олаётган бўлсангиз ушбу асанни узоқроқ вақт бажариб туринг.

Фойдалари: Бу асан Важрасан ва йугмудрасаннинг барча фойдаларига эгадир.



• Киборлар ҳаётидан

Инсониятнинг имкониятлари чексиз, чегарасиздир. Тараққиётнинг илгарилар бориши эса бунинг асосий мезони эканлиги маълум. Аммо мана шу мезоннинг узғариб туриши баъзида инсониятни ҳайратга соладиган тадқиқотларнинг, кашфларнинг яратилишига ҳам сабаб бўлади.

Си-би-эс телекомпанияси томонидан яқинда америкалик 39 ёшли кузболовчи Дэвид Копперфилднинг бутун дунё аҳлини ҳайратлантириб, анча шов-шувларга сабаб бўлган трюклари (найранг) олиб қўрилди. Озодлик ҳайкалини бир зумда қўздан гоийб қилиш, Буюк Хитой деворидан осонликча ўтиш, улкан авиалайнерни қўлида ўшлаб туриш ва шунга ухшаш мўъжизавий фокуслари курган киши бу сеҳр-жоду соҳиб билан яқиндан танишишга шубҳасиз қизиқади.

Дэвид Копперфилд (ҳақиқий исми-шарифи Дэвид Коткин) аслида россиялик бўлиб, ота-онаси муҳожир сифатида Одессадан Америкага бориб қолган. «Болалигимда жудаям журағатсиз, қўқоқ бўлганман. Шу сабабли менга тенгқурлар билан муомала қилиш қийин кечарди. Айниқса қизларнинг менга умуман эътибор бермаслигидан изтироб чекардим. Шунда англадимки, уларнинг эътиборини қозониш учун фавқулодда ишларди ўйлаб топиш керак эди. Сеҳргарлик шу тариха ҳаётимга кириб келди. Ҳозир эса менинг трюкларимга мафтун бўлиб қолган исталган қизни бемалол саҳнага таклиф қила олишим билан қувонаман» дейди Дэвид.

Дэвид йил давомида 500 га яқин янги-янгилар номерлар ижро этади (ногирон болаларга фокуснинг баъзи бир сир-асорларини ўргатади). Шунингдек, доим ўзи билан юрадиган танқочисини, ошпази, журналисти ва қимматбаҳо экспонатлар коллекциясидан иборат жодугарлик музейи бора.

Мана ўн йилдирки, у Америка шоубизнеси оламидаги пудлдорларнинг ўнлигини бошқаради. Чунки Дэвид ҳар йили ўз ишидан 30 млн. доллардан кўпроқ пул ишлар экан.

Дэвиднинг баъзи номерларини юрак ҳовчулаб томоша қиладиган мухлисларда «Бу унинг ҳаёти учун ҳафли эмасмикин?» деган савол тўғрилиги табиий. Тўғри, Дэвид ўз номерларининг яхши чиқishi учун қалтис таваккаллардан ҳам таймайди. Масалан, Ниагара шаршарасидан қўл-оғи боғлиқ ҳолда сакраш, қолаверса, бир гал саҳнада «Феррари» автоташинасини ҳавода муаллақ ўшлаб турганда, машина тасодифан пастга қу-

Фақат мўъжиза яратадиган сеҳргар

лайди. Яхшиямки, у машинадан 1,5 м узоқроқ эди.

Дэвиднинг назарида, энг катта мағлубияти Бермуд учбурчагидаги омадсизлик бўлди. «Ёки кишиларнинг Бермуд ҳақида айтадиган гаплари тўғри, ёки жамоамиз аъзолари галати кўнгилсизликлар исканжасида қолишди», дейди фокусчининг ўзи. Шундай қилиб бу трюкни тайерлай олишмади.

Дэвиднинг Лас-Вегас казиноларига киришидан чўчиб туришади. «Агар мен казинога шунчаки бир кирсам ҳам, қиморхона соҳиблари менга ўқрайишади. Чунки улар менинг картадан қанақа фокуслар қилишимни яхши билишади» дейди у қўлиб. Бироқ Дэвид ўз санъатини бунақа ҳаром-хариш ишлар йўлига совермайди. Қолаверса, унинг трюкларидан тушадиган фойдаси... Айниқса, Дэвиднинг сеvimли левитация машқи ёрдамида уча олиш қобилияти унинг ҳақиқий сеҳргар эканлигини яна бир бор исботлайди. «Учиш нафақат менинг энг сеvimли трюким, балки энг қийин трюким ҳамдир», дейди Дэвид. Айниқса, қўлим ёрдамида эркин уча бошлаганимда баъзан қўлим қалтирашни бошлайди. Шунда мен уни тинчлантиришни, бу ҳам ёрдам бермаса номерни қисқартиришни лозим топаман».

Копперфилд жамоатчиликни ҳайратлантириш, ўзига қаратиш учун доимо ўз устида қаттиқ ишлашга, изланишга интилади. Янги-янги номерларни ўйлаб топади. Дэвиднинг яқин орадаги яратилажак янги трюки-Эйфел минорасини қўздан гоийб қилиш, Пизан минорасини эса янада юқори кўтаришидир.

Дэвид билан бирга асосан 40 кишилик жамоа ишлайди. Аммо сеҳргар ҳатто энг яқин ёрдамчисига ҳам ўз сирларини ишонмайди. Унинг ҳар бир ёрдамчиси фақат яратилаётган номернинг ўзига тегишли босқичидангина хабардор бўлиб, бошқа босқичлар ҳақида ҳеч қандай тасаввурга ҳам эга бўлмайди.

Сеҳргар ўзида 2 та киши тимсоли мужассамлашганлигини, бири-одамлар, пул ва вақтини бошқара оладиган тежамкор бизнесмен бўлса, иккинчиси мўъжиза яратишдан чарчамайдиган болакай экан-

лигини бот-бот такрорлайди.

Кейинги пайтларда жамоатчилик орасида машҳур сеҳргар шайнига турли хил миш-мишлардан иборат бўхтон гаплар ҳам тарқалди. Ана шулардан бири унинг аёллар билан муносабати ҳақида. Маълумки, 39 ёшли сеҳргар ҳанузгача бўйдоқ юрибди. Шунга асосланиб уни сая бўлмаса мижози сустрэкака чиқараё-зишди. Ҳатто унинг Клаудия Шиффер билан бўлган ишқий муносабатлари ҳам бор-йўғи реклама трюкидан иборат эканлиги тўғрисида гаплар юрибди. Аммо бу гапларнинг асоссиз эканлиги яқинда исботланди. Гап шундаки, Копперфилднинг собик секретарларидан бири, сеҳргарнинг шахсий архивидан ўғирланган дискетни «Глоб» газетасига олиб келди. Дискетда эса сеҳргар «Дон Жуан»ни ўз аристократик мартабаси билан йўлдан оздирган ва оздирмоқчи бўлган 300 та гузал инсон исм-фамилияси яширинган бўлиб, гузаллар ун баллик системада баҳоланган. Дастлаб тахририят бунга ишонмади, албатта. Аммо текширишлар шуни кўрсатдики, рўйхатдаги қизларнинг барчаси Дэвид билан ўзаро яқин муносабатда бўлишган. Афсуски, 300 та гузалдан бори-йўғи 10 таси сеҳргарнинг идеалига яқин бўлиб, улар ҳам 10 баллик системага тула жавоб бермаган. Дэвиднинг бу қизларни мафтун қилиш механизми жуда оддий бўлган. Дастлаб қизни ассистент сифатида залга таклиф қиладди, кейин гримхонага ёки кечқурунги овқатга таклиф қилиш, гул ҳада қилиш, бир неча ҳушомад ва қарабаси...

Шу йилнинг октябрида донги кетган бу сеҳргарнинг Москва ва Петербургга гастроли мўлжалланмоқда. Шунингдек, Дэвид билан ота-онаси, ёрдамчилари ва асосб-ускуналарга тула 48 контейнер ҳам келади. Бироқ... Клаудия Шиффер келмайди. Демак, рус гузалларининг машҳур сеҳргар қалбига йўл топишига катта имкон тугилади.

А. ТОЛМАС ўғли тайёрлади

Сўнги устун

МИТТИ ЭКАН БОЛАСИ

Одатда бўйи икки метр ва ундан ҳам ортиқ бўладиган кенгурининг янги тугилган боласи атиги ангишвондан сал каттароқ келар экан. Она кенгуру ана шу химитдек боласини саккиз ой мобайнида қорнидаги ҳалтачасида олиб юриб парваришлайди.

МУЗЛИК ҚҲЙНИДАГИ ИССИҚХОНА

Россиянинг Арктикадаги Диксон оропида, Тикси, Шпицберген кўтб станцияларида иссиқхоналар мавжуд бўлиб, уларда боднинг, қарам, кўк пиез ва бошқа сабзавот, ҳамда кукатлар етиштирилади.

ҲАШОРАТХҲР ЎСИМЛИК

Турли зараркунанда ҳашорат ўсимликларга қирон келтиришини биламиз, лекин табиатда ҳашоратхўр ўсимликлар ҳам учраб экан. Урмонлардаги ботқоқларда ўсадиган сарациния ана шундай ўсимликдир. Унинг барглари оғиз шаклида бўлиб, танази асалсимон модда билан қопланган бўлади. Пашша, чивин ва бошқа ҳашоратлар ана шу «асал»га алданиб, баргга қўнадилар. Оқибатда, улар сарациниянинг емишига айланадилар.

ФАМИЛИЯНГИЗ КИМ?

Корея миллиятига мансуб кишилар орасида атига биргина ҳарф-О дан иборат фамилиялар ҳам анчагина экан. Жумладан, 80 йиллардаги телефон маълумотномаларида АҚШда шундай шарифли 52 киши, Белгияда эса 12 киши рўйхатга киртилган.

КЎЗЛАРИМГА ИШОНМАЙМАН!

Агар автомобиль секундида 800 минг километр тезлик билан юра олганда борми светофорнинг қизил ранги ҳайдовчининг қўзига яшил бўлиб қўринар эди.

ТАНГА ЁҒДИ КИШЛОФИМИЗГА

Қўюнап тўғайли табиатда аниқ «мужизапар» ҳам бўлиб туради. Масалан, 1904 йилда қўюн Мавроқашдаги йиллик дон оғборларини байрон этади, улардаги гапларни эса учирлиб бориб, Испания тўроғига ёғдилади. 1940 йилда Россиянинг Горький вилоятидаги Мешчора қишлоғига ёғди билан бирга Иван Грозний замонига зарб этилган қўюш тангалар ёққан эди.

МУЗ ТАЪРИФИДА

Ер шарининг 16,3 миллион квадрат километр майдонини, яъни бутун қуруқликнинг 11 фоизини музликлар қоплаган. Ер юзидagi жами музликларнинг умумий оғирлиги 2,88 ни 10нинг 16-даражасига қўпайтирилганига тенг келаркан.

СЎЗЛИ ТОПИШМОҚЛАР

Шундай сўзли топишмоқлар ўйлаб топишганки, буларга шарада, анаграмма, логогриф, метаграмма каби хилма-хил жумбоқлар киради. Улардаги умумий ухшашлик айнан келтирилган ёки таърифи баён этилган сўзни топиб, шу сўз асосида бошқа маънодаги янги бир сўз ҳосил қилишдир. Бундай жумбоқларнинг ҳар бири тури тузилиши ва ҳал этилиши билан қизиқарли.

Қуйида сўзли топишмоқларнинг ҳар бир турини таърифлаб ҳал этиш учун улардан намуналар бериб борилади.

ШАРАДА

Шарада французча сўз бўлиб, топилиши лозим бўлган бир неча, одатда бугинлари буйича муста-

қил сўзлардан иборат топишмоқ тури ҳисобланади. Масалан: «Майдон», «Қизил-урғ», «Гул-тожи-хўроз» ва ҳоказо.

Шарада бир неча айрим сўзларнинг ҳар бирини алоҳида таърифлаш, сўнгида эса, топилиши зарур бўлган умумий ахлит сўзнинг таърифини баён этиш тартибидега тузилган бўлади. Шунга мувофиқ у қисмлари буйича топилади. Айрим сўзлар жавоби топилиши билан улар жамлашиб, сўнги умумий жумбоқ сўз жавоби келиб чиқади. Шарада тузилишига қўра одатдаги топишмоқларга бирмунча ухшашдир.

Энди қуйидаги шарадаларга жавоб топинг

Юнон ҳарфининг бири,
Йил фаслининг исми.
Қушсанг гар иккисини
Сабзавотнинг хўшхури.
Ўғил болалар исми,
Ширинлик турин бири,
Ҳар иккисин жамласанг
Қадимий шаҳар номи.

х х х

Лавлагидур онаси,
Ширинлигининг асили.
Турфа рангда товланар
Каштадузлик маҳсули,
Жамлагин иккисини
Қовуннингдир сарҳили.

Фозилжон ОРИПОВ

БОШ МУҲАРРИР:

Абдукарим РАҲИМБЕРДИ

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси
болалар жамғармаси ва «Соғлом
авлод учун» Халқаро хайрия
жамғармаси.

МАНЗИЛИМИЗ:

700078, Мустақиллик
майдони, 5-бино.

Телефон: 39-43-95
Эркин ЭШОНҚУЛОВ
навбатчилик қилди
Обуна индекси - 64654
Рўйхатга олиш № 33
Буюртма Г-0361. 23566 нусхада чоп
этилди. Офсет усулида босилди.
Формати А-3, ҳажми 2 босма табоқ.